


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш қўмитаси ҳузуридаги
жамоатчилик кенгаши раиси


Д.Мирзаахмедов

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва
истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги
жамоатчилик кенгашининг 2025-йилнинг 30-май куни ўтказилган
йиғилишининг 04-сон
БАЁНИ

Раислик қилди: Қўмита ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши раиси,
Д.Мирзаахмедов

Жамоатчилик
кенгаши аъзолари: **Д.Мирзаахмедов, Ш.Шарахметов, Х.Худойбердиев,**
М.Сафаров, Б.Қобилов, Д.Мирзаев, Р.Джураев,
(Аъзолар сони 17 та) **Ҳ.Раджабов, З.Вахидов, О.Насиров, Л.Ачилова,**
Г.Бабаджонова, М.Аскарова, Р.Назаров,
Л.Николенка, Ш.Латипов, О.Усмонов.

Иштирок этганлар: **Д.Мирзаахмедов, Ш.Шарахметов, Д.Мирзаев,**
(ЗООМ платформаси **Р.Джураев, Ҳ.Раджабов, З.Вахидов, О.Насиров,**
орқали 12 та) **Г.Бабаджонова, М.Аскарова, Р.Назаров, Ш.Латипов,**
О.Усмонов.

Таклиф этилди: Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси истеъмолчилар
ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи
Е.Хаитметов ва бошқарма бошлиғи ўринбосари
Б.Шарипов.

КУН ТАРТИБИ

(Д.Мирзаахмедов, О.Усмонов, Ш.Шарахметов, Е.Хаитметов
Г.Бабаджонова, Х.Раджабов)

Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 4-мартдаги **“2021-2025- йилларда фуқаролик жамиятини ривожлантириш концессиясини тасдиқлаш тўғрисида”**ги **ПФ-6181-сон фармони** билан тасдиқланган “Йўл харитасида” жамоатчилик назорати, давлат бошқаруви ва ижтимоий лойиҳаларни амалга оширишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки даражасини ошириш масаласи устувор вазифа этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024-йил 26-августдаги **“Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида”**ги **ПФ-124-сонли Фармони** ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 22-февралдаги **135-сонли қарори** билан тасдиқланган **“Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби тўғрисида”**ги Низомга кўра, Давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача (375 млн) миқдорда тўғридан тўғри шартнома тузиш орқали ижтимоий буюртма бериш мумкинлиги белгиланган. Шунингдек, 305-бандига мувофиқ, лойиҳа таклифи жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу Низомнинг 304-бандидаги ҳар бир мезон бўйича ижобий баҳоланган тақдирда, бир иш куни ичида унинг ташаббускорига давлат органининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг минг бараваригача миқдорда тўғридан-тўғри шартнома тузиш орқали ижтимоий буюртма берилиши тўғрисида жамоатчилик кенгашининг қарори қабул қилинади деб белгиланган.

Ушбу лойиҳалар бўйича:

1. Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг ижтимоий буюртма юзасидан таклифи (хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар, нормалар ва талабларга риоя этилишини жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш) 30 000 000 (ўттиз миллион сўмлик) (1-илова);

2. Тошкент шаҳар истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш марказининг ижтимоий буюртма юзасидан (хусусий тиббиёт ташкилотлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган қоидалар, нормалар ва талабларга риоя этилишини жамоатчилик назорати тартибида ўрганиш) 8 000 000 (саккиз миллион) (2-илова).

Шунингдек, талабгорлар томонидан ушбу ижтимоий буюртмалар юзасидан юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ белгиланган тартибда барча тегишли ҳужжатлар тақдим этилган (3-илова).

Ижтимоий буюртма учун берилган таклифлар юзасидан Қўмитанинг ушбу йўналишдаги масъул Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси (Е.Хаитметов) томонидан ушбу ҳар икки ижтимоий буюртма лойиҳалари кўриб чиқилиб, ушбу берилаётган таклифлар бугунги кунда долзарблиги ва зарурияти юзасидан ижобий баҳолаб, мақсадга мувофиқлиги бўйича Қўмита раисига билдиришномалар киритилган (4-илова).

Юқоридагиларга мувофиқ, Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Тошкент шаҳар истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш марказининг таклифларни жамоатчилилик муҳокамасига қўйиш лозим деб топилди - деб таъкидлади (жамоатчилик кенгаши аъзоси О.Усмонов).

Раислик этувчи, Кенгаш раиси **Д.Мирзаахмедов** сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **ПФ-6181-сон** ва **ПФ-124-сон**ли Фармонларига мувофиқ, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият бошқарувидаги фаол иштирокини таъминлаш ва уларни қўллаб-қувватлаш чоралари юзасидан сезиларли

ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ушбу Фармонлар, айниқса, фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашга, ижтимоий лойиҳаларнинг самарадорлигини оширишга ҳамда жамиятдаги адолатни таъминлашга қаратилган.

Давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлашнинг асосий тамойиллари шаффофлик, ракобатбардошлик ва адолатга асосланган бўлиб, бунинг натижасида ижтимоий фойдали дастурларни амалга оширишда уларнинг иштироки янада кенгайган. Бу жараёнда давлат, ўз ўрнида, фуқаролик жамияти институтларига қўшимча шароитлар яратиш, ҳуқуқий ва ташкилий имкониятларни кенгайтириш орқали улар билан самарали ҳамкорликни таъминламоқда.

Шунингдек, давлат органларига **фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини, танловларсиз,** белгиланган тартибда молиялаштириш ҳуқуқи берилиши, ўз навбатида, фуқаролик жамияти институтларининг ташаббусларига ижобий муносабатни юзага келтириб, ижтимоий шерикликни янги босқичга олиб чиқиш имкониятини яратмоқда. Бу еса, албатта, жамиятимизда аҳамиятли ижтимоий ўзгаришлар ва ўзгарувчан шароитларга мослашиш учун зарур бўлган қулай муҳитни шакллантиришни алоҳида таъкидлаб, алоҳида тўхталиб, юқорида келтириб ўтилган фуқаролик жамияти институтлари **ташаббусли ижтимоий шериклик лойиҳаларини** ҳисобга олган ҳолда юқоридаги *Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Тошкент шаҳар истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш марказининг* ижтимоий буюртмалар юзасидан берган таклифларини қўллаб қувватлашга чақирди.

Юқоридаги масалага Кенгаши аъзоси, **Ш.Шарахметов** фуқаролик жамияти институтлари томонидан ижтимоий буюртма доирасида берилган таклифлар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, мазкур таклифларнинг амалдаги қонунчилик нормалари ва ҳуқуқий-меъёрий асосларга мувофиқлиги бўйича савол бериб, таклиф этилган ташаббуслар

жамият манфаатларини ифода этувчи, долзарб ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган ва аниқ мақсадларга эга бўлган амалий лойиҳалар эканини қайд этди. Ушбу ташаббусли таклифлар ҳар томонлама асосланган, мақсадга мувофиқ ва амалиётда татбиқ этиш имкониятига эга эканини эътироф этган ҳолда, уларни қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидлади. Шу билан бирга, фуқаролик жамияти субъектлари фаолиятини рағбатлантириш, уларнинг ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этишини билдириб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлисга таклиф етилганлардан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи **Е.Хаитметов** сўзга чиқиб, Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик ва ижтимоий шерикликни ривожлантиришга қаратилган ташаббуслар жамиятимизда ижобий натижалар келтириб чиқаришини ва уни ривожлантириш учун хизмат қилишни айтиб ўтган ҳолда *Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Тошкент шаҳар истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш марказининг* ижтимоий буюртма юзасидан берган таклифларини ҳар тарафлама ўрганиб чиқиб Қўмита раисига киритган билдиришномасида амалдаги конунчилик талабларига мувофиқ эканлигини маълум қилиб, таклифлар асосли ва мақсадга мувофиқлигини билдирди.

Шу билан бирга, мазкур ижтимоий буюртмаларни мақсадли бажарилиши устидан Қўмитанинг масъул бошқармаси сифатида назоратни таъминлашини ҳам таъкидлади ҳамда кенгаши аъзоларидан таклифларни қўллаб қувватлашини сўради.

Кенгаши аъзоси, **Г.Бабаджонова** ҳам ижтимоий буюртма доирасида тақдим етилган таклифлар юзасидан ўз муносабатини билдириб, уларнинг аҳамияти ва амалий аҳволини қайд этди. У ўз сўзида мазкур таклифлар фақатгина тиббиёт соҳаси билан чекланиб қолмасдан, кенг камровли йўналишларда, хусусан, журналистик фаолият нуктаи назаридан ҳам долзарб ва амалий таклифлар ишлаб чиқилиши зарурлигини таъкидлади. Шу

муносабат билан, ижтимоий аҳамиятга молик ташаббусларни, жумладан, соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларининг фаол иштирокини назарда тутувчи лойиҳаларни келгусида ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини маълум қилди. Шунингдек, у юқорида келтирилган икки таклиф бўйича ҳеч қандай эътирози мавжуд эмаслигини билдириб, ушбу ташаббусларни давлат ташкилотлари томонидан амалга ошириш зарурлигини қайд этди.

Шундан сўнг, юқоридаги масала юзасидан Кенгаши аъзоси, **Ҳ.Раджабов** ҳам сўзга чиқиб, Давлат томонидан фуқаролик жамияти институтларига кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш механизмлари сўнгги йилларда такомиллаштирилиб, ижтимоий муаммоларни ҳал етиш ва жамият ривожланишидаги фуқаролик жамиятининг ролини мустаҳкамлашга имкон яратмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари ўз фаолиятини кенгайтириб, ижтимоий лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширишда фаол иштирок этмоқда. Бу жараёнлар жамиятда барқарор ривожланишни таъминлаш, ижтимоий тенгликни сақлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур қўллаб-қувватлаш механизмлари фуқаролик жамиятининг салоҳиятини кенгайтиришга, ижтимоий тенгликни таъминлашга ва фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда. Янги ташаббуслар ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш фуқаролар учун янги имкониятлар яратиб, жамиятдаги ижтимоий муаммоларни қисқа муддатда ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

Бундан ташқари, давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда самарадорликни ошириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва ижтимоий адолатни таъминлашда бекиёс аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли Фармонларига мувофиқ, Нодавлат Нотижорат Ташкилотларининг ижтимоий буюртма бўйича берган таклифларни маъқуллади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 22-февралдаги 135-сонли қарори билан тасдиқланган “Социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органлари томонидан давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга кўра Жамоатчилик кенгаши томонидан ушбу лойиҳа таклифлари қуйидаги мезонлар асосида кўриб чиқилди.

МЕЗОНЛАР:

1. Давлат ижтимоий буюртмасини олиш тўғрисидаги лойиҳа таклифининг давлат органи фаолиятининг устувор йўналишларига мувофиқлиги - **5 балл**;
2. Тегишли соҳа ва тармоқлардаги мавжуд муаммоларнинг долзарблиги ва аниқ ёритилганлиги - **4 балл**;
3. Муаммоларнинг таъсирчан ечими бўйича таклифларнинг илмий асосланганлиги, самарадорлиги ва ноёблиги - **3 балл**;
4. Лойиҳа таклифини амалга ошириш харажатининг асослантирилганлиги - **5 балл**;
5. Нодавлат нотижорат ташкилотининг тақдим қилган лойиҳа таклифини амалга ошириш қобилияти - **5 балл**.

Юқоридагиларга кўра лойиҳа таклифлари жамоатчилик кенгаши томонидан ҳар бир мезон бўйича умумий 5 та мезондан “5” баллгача бўлган тизим билан “**22**” балл билан баҳоланди. Умумий кўрсаткич фоизда **88 фоизни** ташкил этади.

Юқоридаги овоз беришни ёқлаганлар 12 та, қаршилар-йўқ, бетарафлар- йўқ.




Ўзбекистон Республикаси Президентининг 04.07.2018 йил ПҚ-3837 сон қарори билан тасдиқланган Жамоатчилик кенгаши намунавий низомининг 26-бандига (*Қўмита раисининг 2024 йил 24 октябрдаги 219-ИЧ-сон буйруғи билан тасдиқланган Кенгаш низоми*) мувофиқ, Жамоатчилик кенгашининг мажлиси, агар унда Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг **камида учдан икки қисми (кворум)** иштирок этган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосан, ушбу йиғилишда умумий 17 нафар Кенгаш аъзоларидан 12 нафари иштирок этганлиги ҳисобга олган ҳолда Жамоатчилик кенгаши қарор қабул қилиш учун ваколатли деб ҳисобланади.

**Юқоридагилардан келиб чиқиб, Жамоатчилик кенгашининг
умумий йиғилиши**

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Юқоридаги ижтимоий буюртмалар юзасидан Жамоатчилик кенгаши аъзолари Д.Мирзаахмедов, О.Усмонов, Ш.Шарахметов, Г.Бабаджонова, Ҳ.Раджабовларнинг ва бошқа Кенгаш аъзоларининг фикр-мулоҳазалари маълумот учун қабул қилинсин.
2. Жамоатчилик кенгашининг ушбу ижтимоий буюртмалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 22-февралдаги 135-сонли қарори билан тасдиқланган 5 та баҳолаш мезонлари бўйича “22” балл билан баҳоланиб, умумий кўрсаткич фоизда 88 фоизни ташкил этганлиги тасдиқлансин.
3. Рақобат қўмитаси масъул бошқармасининг ижтимоий буюртмалар юзасидан асослантирилган ижобий хулосаси ва Кенгаш аъзоларининг умумий овоз бериши асосида *Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Тошкент шаҳар истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш марказининг* ижтимоий буюртмалар юзасидан берган таклифлари маъқуллансин ва амалдаги қонунчилик талаблари асосида кўриб чиқиб, молиялаштириш учун Рақобат қўмитасига тақдим этилсин.
4. Қўмитанинг масъул бошқармаси юқоридаги ижтимоий буюртмаларни мақсадли бажарилишини назорат қилсин ҳамда ушбу ижтимоий буюртмалар бажарилгандан сўнг, амалга оширилган ишлар якуни бўйича Жамоатчилик кенгашига ҳисобот тақдим этиши белгилансин.

Жамоатчилик кенгаши аъзолари	ИМЗО
Диёр Мирзаахмедов	
Шахрух Шарахметов	
Дилшод Мирзаев	
Равшанхон Джураев	
Хусайн Раджабов	
Зафар Вахидов	
Отабек Насиров	
Гулнара Бабаджанова	
Мухаббат Аскарова	
Равшан Назаров	
Шухрат Латипов	
Отабек Усмонов	

Кенгаш котиби:



С.Нормуродов